1991 — 1998
7
МУСТАҚИЛЛИК

Ислом Каримовнинг китоби АҚШда чоп этилди

Америка Қўшма Штатларининг энг нуфузли нашриётларидан «Сент Мартин Пресс» (Нью-Йорк) Буюк Британиянинг «Керзон Пресс» фирмаси билан ҳамкорликда Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини босмадан чиқарди.

«Сент Мартин Пресс» нашриёти ходимлари ўтган йилнинг кузида Франкфуртда ўтказилган халқаро китоб кўргазмасида Ўзбекистон Президентининг мазкур китоби билан яқиндан танишиб, уни Америкада ҳам чоп этишга қарор қилишганди.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг АҚШда чоп этилиши катта сиёсий аҳамиятга молик воқеа сифатида баҳоланмоқда.

Ушбу асарнинг Лондон нашри эса ўқувчиларда ҳамон қатта қизиқиш уйғотмоқда. Лондонда чиқадиган «Дипломат» журналида эълон қилинган тақризда «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби ҳақида жумладан бундай дейилади: «1991 йил Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин иқтисод, сиёсат, маданият соҳасида, миллатнинг онги, турмуш тарзида туб ўзгаришлар ясашга қулай шарт-шароит яратилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакат тараққиётига тўғаноқ бўлиши мумкин бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида ўз қарашларини баён этади.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг сиёсий мақсадлари ва вазифаларини белгилаб қолмасдан, ўтмишдан мерос ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқ кўради ва уларни ҳал этишнинг чора-тадбирлари ҳақида фикр юритади. Унинг бош мақсади, барқарорлик кафолатларига доир таклифлар бериш ва айни пайтда мавжуд жиддий муаммоларни хаспўшламасдан халққа рўй-рост айтиш. Ўзбекистонга қўшни давлатлардаги сиёсий беқарорлик, фуқаролар уруши авж олган бир пайтда Ислом Каримов миллий хавфсизликка таҳдид солувчи асосий хатар — диний, этник низоларга, шунингдек, ашаддий миллатчиликка қарши курашга астойдил бел боғлаган.

Тарихий вазиятни инобатга олсак, Ислом Каримовнинг китобини фақат ўзбек халқи учун ёзилган деб бўлмайди. Зеро, унда ҳозирги замонда Марказий Осиёдаги сиёсий вазият чуқур ва асосли таҳлил этилган».

(ЎзА)



Ҳуррият нафосати

Мустақиллик дизайн тушунчаси ва унинг воқеликка айланган шакли ҳаётимизга кириб келиши учун имкон яратди. Истиқлол шарофати билан юртимизда Бадиий Академия ташкил этилди. Академия қошида иш бошлаган Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўзига хос қобилиятга эга бўлган, профессионал тасвирий ва амалий санъат ижодкорлари, усталари, мураббийларини тайёрлайдиган ўқув масканидир.

Институтимизда айни пайтда бадиий таълимни замон талабларидан келиб чиқиб ривожлантириш учун хорижий мутахассислар билан алоқалар олиб борилмоқда. Тажриба алмашиш мақсадида Англия, Франция, Германия, АҚШ, Миср каби давлатлар билан халқаро алоқалар ўрнатишга эришдик.

Ўтган йилда институтимиз талабаларининг 20 га яқини Мисрда бўлишиб, ёзги амалиёт машғулотларини ўтаб қайтишди. Буюк Британиялик мусаввира Изабелл Робсон хоним уч ой давомида институтимизда бўлиб, театр безаги санъати кафедраси мураббий ва талабалари билан бирга ишлаб, «Лавҳ» номли бадиий асарини яратиб, намойиш этишга улгурди.

Инсониятнинг бугунги тараққиётида кундалик турмуш тарзимизга санъат дизайни шунчалик кенг ва чуқур кириб бормоқдаки, ҳар қадамда, ҳар дақиқада воқеликка дуч келамиз. Айтайлик, ўзимиз яшаётган, яшлаётган бино-ю, унинг хоналари безаги, ранглари, уларга берилган шакл ва гўзаллик — бари дизайн санъатининг маҳсулотларидир. Демак, Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолияти нафақат бугунги, балки келажакда қўйиладиган эстетик талабларга тўла жавоб беришга қаратилмоғи лозим.

Рассомнинг шаклланиши эркинликни, мустақил фикр юритишни талаб этади. Ҳаётнинг нозик қирраларини ўзидаги табиат берган ғаройиб сезгилари орқали англаб етсагина, киши чинаккам рассом бўлиб шаклана билади. Шу боисдан ҳам рассом англаб етиб тасвирлаган бадиий мукаммал асарларни ҳар доим ҳам оддий томошабин тушуниб ета олмаслиги мумкин. Шундай иқтидор эгаларини топиш, улардан мустақил Ўзбекистон санъати келажаги учун маҳоратли рассомларни шакллантириш асосий бурчимиздир. Демак, бу борада янгича дастурлар, ўқув режалари, дарслик ва қўлланмалар яратиб, шу билан бирга катта услубий маҳоратта эга устоз-мураббийларни ишга жалб қилишимиз керак.

Нафақат бугун, балки XXI аср учун улкан инқилобий воқеа бўлмиш кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ўзбек халқи қолаверса, бутун инсоният учун оламшумул аҳамият касб этади. Бадиий таълимни миллий дастур талаблари даражасида шакллантириш учун институтимизнинг ҳар бир ўқитувчи-профессорини, шунингдек, талабаларни ҳам фаол иштирок этишини амалга оширишга интилмоқдамиз. Ўз-ўзидан, барчанинг иштирокисиз бадиий таълимда миллий дастур талабларини амалга ошириб бўлмайди. Аввало, миллий модел тасвирий санъат мутахассислари олдига қандай талаб қўяётганини мураббий ва талабаларга астойдил сингдириб бормоқдамиз. Бу борада қизиқарли суҳбатлар, баҳс ва мунозарали кечалар уюштириб, бўлғуси кадрларни мустақил фикрлаб, онгли равишда иш юритиш, илм олиш ва ижод қилишга йўналтирмоқдамиз.

Институт буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод номи билан юритилиши бежиз эмас, албатта. Маълумки, 2000 йилда мусаввирнинг 545 йиллиги кенг нишонланади. Шунингдек Шарқ-Ғарб тасвирий санъатининг буюк даҳоси Камолиддин Беҳзод номи билан биз ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Маънавият асри бўлмиш XXI аср ҳар томонлама фозил инсонларнинг шаклланишига имкон яратади. Бутун инсоният ақл, тафаккури орқали тинимсиз меҳнати билан гўзаллик яратади, эзгулик сари интилади. Ана шу янги оламнинг яратилишида тасвирий санъатнинг хусусан, институтимизнинг ҳам ҳиссаси бўлишига шубҳа йўқ ва бу бизни жуда қувонтиради. Чунки, жамият тараққиёти, одамларнинг гўзалликка, нафосатга эҳтиёжи нафис ва мафтункор турмуш тарзини талаб қилади. Бу эҳтиёжни эса, албатта, санъат қондиради.

Норсаид ОЙДИНОВ,
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори

Террорчиларга қарши ракета зарбалари

Америка Қўшма Штатлари Афғонистон ва Судандаги нишонларга ракета зарбалари беришди. Президент Билл Клинтоннинг сўзларига қараганда, террорчилик ҳаракати билан боғлиқ бўлган объектлар аниқ нишонга олинди. Суданда Хартум шаҳри яқинидаги кимёвий қуроллар ишлаб чиқарадиган завод портлатиб юборилди. Афғонистонда эса саудиялик машҳур террорчи Осама Бин Ладеннинг макони бўлмиш объектлар нишонга олинди. Бу жойларни Президент Клинтон терроризмнинг энг фаол маконларидан бири деб ҳисоблайди. Америка Президентининг таъкидлашига кўра, ушбу зарбалар мамлакатнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналари ёнидаги портлатишларга нисбатан тўғридан-тўғри жавобдир.

Террорчиларнинг Афғонистондаги лагерига ҳарбий зарба бериш пайтида у ерда Осама Бин Ладеннинг 600 жангчиси бўлиши мумкин эди. Бу ҳақда АҚШ қуролли кучлари штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси генерал Генри Шелтон матбуот анжуманида айтди. Унинг маълумотларига кўра, террорчиларнинг макони Қобулдан 150 километр жануброқда, Афғонистон — Покистон чегарасига яқин ерда жойлашган. Бир йўла Судандаги «Шифа» компаниясининг фармацевтика заводига ҳам зарба урилган. Ушбу объектларга зарба уриш пайтида қанотли ракеталардан фойдаланилган.

Террорчиларнинг Судан ва Афғонистондаги объектларига зарба урилиши муносабати билан Президент Клинтон Россия Президенти Борис Ельцинга мактуб йўллади. Унда ракета зарбалари берилиши сабаблари баён этилган. АҚШ маъмуриятининг юксак мартабали вакили Клинтон шунга ўхшаш мактубларни Франция Президенти Жак Ширак ва ХХР раиси Цзян Цзэминга ҳам йўллаганлигини айтди. Клинтон Оқ уйга кириб келиб, хорижий мамлакатларнинг раҳбарларига қўнғироқ қилди. Клинтон телефон орқали Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр, Миср Президенти Хусни Муборак ва Покистон Бош вазири Навоз Шариф билан ҳам суҳбатлашди.

Миллий хавфсизлик масалалари бўйича АҚШ Президентининг маслаҳатчиси Сэмуэль Бергернинг айтишига кўра, Хартум яқинидаги фармацевтика заводи ракета зарбаси натижасида жиддий зарар кўрган. Бин Ладеннинг Афғонистондаги лагерларига берилган зарбалар натижаси ҳақида эса ҳозирча маълумотлар йўқ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 22 август, шанба • № 99 (22.336).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ислом КАРИМОВ:

Тарихий хотирасиз келажак йўқ

Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч — маърифатдир.

Ўзбекистон илм-фани мустақиллик йилларида катта ислоҳотлар ичига кириб бормоқда. Янги теранлик, янги кенгликлар, янги қиёфа касб этиш йўлига чиқмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Каримов таълим, илм-фан, кадрлар тайёрлаш, маърифий-маънавий камолот билан чамбарчас боғлиқ ислоҳотлар йўналишлари — миллий тараққиётимиз тамойиллари ҳамда дастурларини назарий-амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш, ҳаётга жорий этиш йўл-йўриқлари, асосларини таклиф қилмоқда. Олимлар, ижодкорлар, зиёлилар, журналистлар билан мунтазам учрашиб, қизғин мулоқотлар ўтказиб, уларда келажаги буюк мамлакатимизнинг уфқларига назар ташламоқда. Муаммо ва масалаларни ечиш йўллари, чора-тадбирларини ўртага қўймоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг тарихчи олимлар билан учрашуви ва унда олиб борган баҳси, ўртага ташланган ғоялари ҳаммамизнинг хотирамизга ўчмас бўлиб муҳрланиб қолди. Юртбошимиз ўзининг ўта ҳаяжонли, ёлқинли, теран муҳокамаларида жамиятимиз ва айниқса, тарих фани тараққиётининг янги йўналишларини чизиб берди. У тарихнинг халқ, мамлакат, инсон, миллат тақдиридаги ўрни, моҳияти, вазифасига тамомила янгича бир назар ташлади, янгича нуқтаи назарларини баён этди. У миллий тарихимизни бутунлай янгиланган, яшарган нигоҳ билан, фақат ва фақат асл манбалар асосида яратиш мустақил озод, ҳур мамлакатнинг бугуни ҳамда эртаси учун бениҳоя муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Президентимизнинг «Мулоқот» журналининг 1998 йил 5-сонида эълон қилинган тарих ва тараққиёт ҳақидаги ушбу янги асари уз бой ғоялари билан ижтимоий фикр ривожимизни янада юксалтириш, илҳомлантириш, янги фикр уммонларини яратишига шубҳа йўқ.

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу — табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки, умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз. қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг саноқли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламан.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди. Чунки, ўзингизга маълум, шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди.

Аҳвол шу даражага борган эдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолдик. Бировлар томонидан яратилган тарих дарсликларини ўқир эдик. «СССР тарихи» деб аталган дарсликда, Ўзбекистондай мамлакатга бор-йўғи 3-4 саҳифа ўрин берилиб, тарихий воқеалар ва шахслар ҳақида нохолис фикрлар айтилар ёки умуман, лом-мим дейилмасди. Фандаги бундай сохтакорлик, кўзбўямачиликни бугун энг олис қишлоқларда яшаётган оддий фуқаро ҳам, мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади. Энди, мустақиллик туфайли яққол намоён бўлаётган тарихий ҳақиқатни билишга, ўзлигини англашга чанқоқликнинг туб сабаблари мана шунда, деб ўйлайман.

Олимларимиз тарихимизнинг турли даврларига доир рисолалар ёзишмоқда, тарихий мавзуда йирик насрий, назмий, саҳна асарлари яратилмоқда. Оммавий ахборот воситалари маънавий қадриятларимизни кенг тарғиб қилаётгани, суҳбатлар, мулоқотларда фикрлар ранг-баранглиги пайдо бўлаётгани диққатга сазовор. Ёшларнинг Ватан, миллат тақдири учун ўзларини масъул сезиб, бу баҳсларда дахлдорлик туйғуси билан иштирок этаётгани мени, айниқса, қувонтиради.

Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган гап бор. Мен тарихчи эмасман. Бу мавзуда ақл ўргатиш фикридан мутлақо йироқман. **Лекин табиий бир савол туғилади: давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, наслнасабимиз, кимлигимизни билишимиз керакми-йўқми?** Яъни, юртимизда фаол меҳнат қилаётган муҳтарам академиклар, олимлар, адиблар, ноширлар, авваламбор тарихчиларимиз биргалашиб, мана шу саволлларга жавоб топиши керакмийўқми?...

Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур.

Миллат, мамлакат ҳақида каттакатта минбарларга чиқиб гапиришнинг ўзига хос масъулияти бор. Муайян воқеа, шахсга муносабат билдираётганда, бу фақат бир киши ёки муайян тоифадаги кишиларнинг нуқтаи назари бўлиши мумкинлигини унутмайлик. Ёмон томони шундаки, субъектив фикр юқувчан бўлади. Чуқур таҳлил, мантиққа асосланмаган бирёқлама фикр одамларни, энг аввало, тарих ўқитувчиларини чалғитади. Улар эшитганларини ҳақиқат шу экан, деб ўқувчиларга ҳам етказишади. **Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин. Бу — биринчидан.**

Иккинчи масала шундан иборатки, биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳулқатвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади.

Эркин, демократик жамият қуряпмиз. Биз учун ёпиқ мавзунинг ўзи йўқ. Умумхалқ минбари — телевидениемиз, радиомиз, матбуотимиз бор. Яхши ниятли кишиларга чегараларимиз ҳамиша очиқ. Хориждан меҳмонлар келишяпти, биз чет давлатларга чиқяпмиз. Кунда бўлмаса, кун ора халқаро анжуманлар ўтиб турибди. Бизга мана шу анжуманларда манман деган олимлар билан, хоҳланг, иқтисод, хоҳланг, сиёсат, хоҳланг, тарих, маънавият соҳалари бўлсин, бемалол баҳслаша оладиган билимдон, зукко, маърифатли одамлар керак.

Нега мен маърифат сўзини кўп такрорлаб, унга алоҳида урғу беряпман? Чунки, **жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч — маърифатдир.** Асримиз бошида Туркистонда кечган воқеаларни бир эсланг. Нега бу ўлкада ўша йиллари маърифатчилик ҳаракати ҳар қачонгидан ҳам кучайиб кетди? Негаки, чор Россияси асоратига тушиб қолиб, буткул таназзулга юз тутган ўлкани уйғотишга, халқнинг кўзини очишга фақат маърифат орқалигина эришиш мумкин эди. Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди!

Айнан шунинг учун ҳам ўз пайти-да Республика Маърифат ва маънавият марказини ташкил этдик. Марказнинг вилоят, туман бўлимлари очилди. Гап ҳозир республика бюджетидан ажратилган катта маблағ ҳақида эмас. Керак бўлса, яна ёрдам берамиз. Мазкур соҳадаги ишларнинг талаб даражасида эмаслигини, ташкилотнинг расмиятчиликка берилиб кетаётганини қандай тушуниш мумкин? Бу ҳолни кўрганда беихтиёр, барака топкур, сен шўролар замонидаги домполитпросвещение, яъни сиёсий маориф уйи ходими эмассан, мутлақо бошқа одамсан, биз бу марказни фақат маош олиш учунгина ташкил этмадик, дегингиз келади. Қолаверса, маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Маърифатчи фидойи бўлмоғи керак. Тушунамиз, уларнинг ҳам тирикчилиги, бола-чақаси бор. Шунинг учун ҳам маош тайинлаб қўйибмиз. Лекин яна такрор айтаман: маърифатчи, энг аввало, фидойи бўлмоғи, ўзидан кечмоғи керак.

ХХ аср бошидаги маърифатчилик ҳаракати ҳақида гапиргандим. Ўша ҳаракатнинг намояндалари бойлик учун, шон-шуҳрат учун майдонга чиқишдими? Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Тавалло-ларга мактаб очганлари, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даъват этганлари учун биров маош тўлаганми? Биров уларга ойлик берганми?

(Давоми 2-бетда)

Солиқ тизими: муаммо ва счим

Қарзингизни тўлаб қўйсангиз...

Халқимизда «ҳисобли дўст айрилмас» деган яхши ибора бор. Яъни энг яқин дўстлар ҳам ўзаро муносабатларида ҳисоб-китобни билишса, турли ноҳушликлардан холи бўлишади. Худди шунингдек, бозор иқтисоди шароитида ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари, турли муассасаларнинг бюджет олдидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликка йўл қўймасликлари ўта муҳимдир. Чунки, давлат хазинасига тушумлар ўз вақтида тушиши унинг қудратини оширади, ижтимоий соҳада барқарорликни таъминлайди. Бюджет ташкилотлари ходимлари, нафақахўрлар, талабалар ва бошқалар маош, пенсия ва стипендияларини ўз вақтида олиш имконига эга бўладилар. Қолаверса, миллий пул бирлигимиз — сўмнинг қадрини оширишга хизмат қилади.

Афсуски, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва бош мутахассислари ҳамиша ҳам шу оддий қоидага тўлиқ риоя қилаяптилар, деб айтолмаймиз. Шу боисдан вилоятимиз солиқ идоралари олдида турган муҳим вазифалардан бири муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга ундириб олишни таъминлашдир. Албатта, биз бу ишни амалдаги қонун-қоидалар, яъни, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш» тўғрисидаги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрь ва 5 декабрда қабул қилинган 387 ҳамда 431-сонли қарорлари, Республика Президентининг 1997 йил 5 февралдаги «Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Олий хўжалик суди, Марказий банк ва Солиқ қўмитаси томонидан 1997 йил 11 февралда тасдиқланган Хўжалик суди қарорларининг ижросини таъминлаш тартиби каби қонуний ҳужжатларга таянган ҳолда бажарамиз.

Ўтган йили ва шу йилнинг биринчи ярим йили ичида бошқармамиз ва унинг қуйи идоралари ходимлари вилоят хўжалик суди, прокуратура ва Марказий банк ходимлари иштирокида бюджетдан қарздор корхоналар раҳбарлари ва бош ҳисобчиларни таклиф этган ҳолда 3 маротаба кенгайтирилган семинар йиғилишлари ўтказилди, радио, телевидение ва газеталарда шу мавзуда бир неча маротаба мулоқотлар уюштирилди.

Туман ва шаҳар солиқ инспекциялари масъул ходимлари иштирокида боқиманда қарзларнинг пайдо бўлиш сабаблари тегишли ҳужжатлар асосида таҳлил этилганда асосан қуйидагилардан иборат эканлиги аниқланди:

(Давоми 3-бетда)

Ислом КАРИМОВ:

Тарихий хотирасиз келажак йўқ

(Давоми. Боши 1-бетда)

➢ *Одамзод борки, авлод-аждоди, Ватанининг тарихини билишни истайди*

➢ *Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади*

➢ *Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади*

Албатта, йўқ! Улар ўт билан ўйнашаётганларини, истибдодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Билатуриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга даъват этган.

Энди асосий масалага ўтсак. Хўш, тарихнинг маънавиятимизда тутган ўрни қандай? Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас! Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак.

Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий. Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII-XIX асрларга келиб, то шу чоқ-қача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнгги уч аср мобайнида бошимиз қолоқликдан чиқмай қолди? Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қолоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикан?

Тарихий илдизини излаган одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва, аминманки, тўғри хулосалар чиқаради. Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир.

Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан ориш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Юқоридаги мулоҳазалардан табиий равишда шундай савол туғилади: хўш, Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратилдими-йўқми? Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқитишга мутлақо қаршиман. Мустамлакачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон холис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч-ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар. Тарихдан жудо бўлиш нималигини яхши билсангиз керак. Инсон учун тарихидан жудо бўлиш — ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.

Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиз. Лекин Россиянинг хоҳ ўтмишдаги, хоҳ бугунги кўзга кўринган бирор бир тарихчисидан сўраб кўрингчи, шуни тан олармикин? Тан олмайди, билмайди, билишни хоҳламайди ҳам. Ўжарликнинг сабаби эса битта: бошарти тан олгудек бўлишса, тарихий хулосалари чиппакка чиқади, илмда сохта йўл билан борганлари фош бўлади. Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг бизга авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, юқорида айтганимдек, бирон-бир хорижий журналистнинг, умуман, Ғарб адибларининг «Авесто»ни эслашганини билмайман. Хулоса шуки, олис-олис жойларда халқимиз, мамлакатимиз ўтмиши ҳақида айтилаётган мулоҳазаларнинг аксарият қисми сохта, ғайриилмийдир.

Мен билганимни айтяпман, шундай хулоса чиқаришга мажбурман. Ажабланадиган жойи яна шундаки, тарихимиз ҳақида гап кетганда, биз ҳамон рус олимларининг тадқиқотларига таянамиз, иқтибос кўчирамиз. «Бартольд ундай деган, Гумилев бундай деган...» ва ҳоказо. Мен рус олимларининг меҳнатини камситмоқчи эмасман. Лекин қачонгача биз тарихимизни бировларнинг нуқтаи назари, қаричи билан баҳолаймиз? Шундай улкан даврда юртимизда кечган давлатчилик тараққиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти атрофлича таҳлил этилган тадқиқотлар нега яратилмаяпти? Археология, Тарих, Шарқшунослик ва бошқа бир қатор институтларимиз бор. Мутахассислар нима билан машғул, қаёққа қарашяпти? Ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлган? Нима эмиш, Ўзбекистон XX асрнинг 20-йилларида, аниқроғи, 1924 йили давлат мақомини олган эмиш. Биз шу гапга ишонишимиз керакми? Мақтаниш эмас, янгидан шаклланаётган ўзбек давлатчилиги бошида турган инсон сифатида айтишга ҳаққим бор, керак бўлса, бу иш учун жонимни, борлиғимни беришга тайёрман. Чунки, ҳаётимнинг мазмуни шундан иборат. Лекин фақат бир мен эмас, бутун халқ билишни истайди: ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки, тушунтириб беролмас, балки аниқ жавоблари бордир? Тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бораётган олимлар, балки, аллақачон бир фикрга келишгандир? Лекин ҳозирча на матбуотдан, на дарсликлардан мен мана шу саволларга жавоб тополмадим.

Яна айтаман, бу соҳада ишлаётган олимларимизни танқид қилиш у ёқда турсин, айблашга ҳам ҳаддим сиғмайди. Кўпчилик олимларимизнинг илмий тафаккури, қарашлари қайси даврда шаклланганини ҳам яхши биламан. Тарих оламида меҳнат қилаётганларни ватанпарвар, элпарвар сафдошларим, деб билганим учун уларга шу талабни қўймоқдаман: қачон лўнда, асосли қилиб ҳаққоний тарихимизни фарзандларимизга етказасизлар?

Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди. Нега деганда, Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган, деб орқаворотдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучлар ҳали бор. Бундай ғаламисларнинг орасида қандай қилиб бўлса ҳам бизни яна собиқ СССРга қайтариш ниятида юрганлар йўқ, дейсизми? Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу даъвонинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир.

Матбуотда ўтмишимизга тааллуқли бирор мақола чоп этилса, бирор бир тарихий асар, хоҳ у илмий, хоҳ бадиий бўлсин, кўлимга тушиб қолса, албатта, ўқиб чиқаман. Сиёсатчиман, арбобман деган одам, агар виждони бўлса, ўз халқининг тарихий ўтмишини билиши шарт.

Ҳаммамиз шу тупроқнинг сувини ичганмиз, нон-тузини еганмиз. Ҳаммамиз ўзимизни ўзбек санаймиз. Ўзбеклигимиздан фахрланамиз, ғурурланамиз. Яқинда Муҳаммад Юсуфнинг бир шеърини ўқиб қолдим. Ўзбек номини тушуниш учун нималарни билиш кераклиги ҳақида ёзибди. Яхши шеър! Қани энди, олимларимиз ҳам мана шундай катта ғояларнинг илмий талқинини берсалар.

Масалан, қадим аждодларимиз ҳаётининг асосини ўтроқ маданият ташкил этганми ё кўчманчими? Ўзбек халқининг шаклланишида қандай элатларнинг таъсири бўлган? Биламан, булар оғир саволлар. Лекин уларга жавоб топишимиз зарур.

Атрофимизда жойлашган баъзи давлатлар ва миллатларнинг вакилларида ҳам бизлар қатори ўз тарихларини бошқатдан ўрганиш, чуқурроқ ўрганиш туйғуларини сезиш мумкин. Балки, бу ҳам тўғридир. Ҳар бир халқ ниманидир ўзининг миллий ифтихори, деб билади. Ҳар хил китоблар чоп этишади, катта-катта анжуманлар ташкил қилинади. Аҳмад Яссавий бобомизнинг муқаддас меросини ўрганиш мақсадида гоҳ Туркистон, гоҳ Истанбул, гоҳ Измирда учрашувлар ўтказилади. Мана шу учрашув-анжуманларда Ўзбекистон вакиллари, авваламбор, илмий-тарихий асосларга, чуқур тадқиқотларга суяниб, баъзи бир сохта уринишларга берилиб кетмасдан, ҳаққоний далил ва исботларни қўрол қилиб олсалар, маъқул бўлади.

Яна қайтариб айтмоқчиман: биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз керак. Туркийтилли халқ бор, турк халқи бор. Фарқини ҳар бир фуқаромиз, аввало, фарзандларимиз билиб олсинлар. Нега шу масалалар бўйича тарихчиларимиз оғизларига талқон солгандек миқ этишмайди?

Яқинда телевидениеда бир кўрсатув берилди. Ҳунлар давлати, қачонлардир шу давлатни бошқарган Атилла ҳақида. Шу Атилла Волгабўйи, Астрахан чўлларини ишғол қилиб Шарқий Европага ўтибди, кейин Ғарбий Европани ҳам забт этиб, Румгача борибди ва уни иккига, яъни — Рум ва Византияга бўлиб ташлабди.

Рус, умуман, Ғарб манбаларида, адабиётларида ҳунларни «ғун» дейишади. Ҳунлар Атилла бошчилигида Румга бостириб кириб, уни батамом вайрон қилишган. Бу воқеалар тахминан IV аср охири — V асрнинг биринчи ярмида бўлган. Кўрсатув бошловчиси, олим одам завқшавқ билан Атилланинг кимга уйланганини, тўй кечаси кимнинг кўрсатмасига кўра, ким томонидан заҳарлаб ўлдирилганигача оқизмай-томизмай томошабинга етказди, ҳатто, Атилланинг туғилган кунигача аниқ айтди. Ўша олимдан Берунийнинг туғилган кунини айтиб беринг, десангиз, айта олармикин, худо билади. Қизиғи бу ёқда, энди давомини эшитинг: нима эмиш, ҳунлар муккасидан айш-ишратга берилган румликларни майпарастликдан жудо қилиб, қонларига соғлом қон бўлиб қўшилган эмишлар ва шу йўл билан уларнинг умрига умр қўшибдилар. Румга маданиятни ҳам ҳунлар олиб келган экан...

Ваҳоланки, Ғарбда Атиллани маданият олиб келган шахс эмас, улуғ бир цивилизацияни ер билан яксон қилган босқинчи сифатида эслашади. XXI асрга қадам қўймоқдамиз. Орадан шунча вақт ўтган бўлса ҳам улар Атилланинг қилмишларини унутганлари йўқ.

Қалмоқ дўстларимиздан бири яқинда менга ёстиқдек китоб совға қилди. Ушбу китобда ёзилишича, нима денг, Атилланинг байроғида хоч тасвири бўлган эмиш. Муаллиф бу билан нима демоқчи?

Демоқчики, насронийлик ҳам Европага сахродан келган. Яна бир қизиқ хулосага дуч келдим. Биз ўзбеклар ҳам ўша Атилланинг авлодлари ворислари эмишмиз. Бу билан фахрланишимиз керак экан. Биринчидан, бундай ўта жиддий хулоса чиқаришга ҳозирча ҳеч қандай асос ёки замин борлигини ҳеч ким исбот қилолмаса керак. Иккинчидан, босқинчига ворис бўлиш фахрли мартаба эмас, иснод-ку! Бу иғвога учсак, эрта Европа биз тўғримизда нима дейди? Бу гап қаердан чиқди, кимга керак бу сохта обрў?!

Биз ўзбекларни улуғ, бунёдкор халқ деб дунёга таранним этяпмиз ва аслида ҳам шундай. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Амир Темур бобомизнинг тўйларини ўтказишдан мақсад нима эди? Комил бу инсоннинг, энг аввало, буюк давлат асосчиси, буюк бунёдкор, ижодкор шахс бўлганини, фан, маданиятга ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганини олам аҳлига билдириш эди.

Жаноб Жак Ширакнинг ўзи иштирок этган бу анжуманда мен мазкур фикримни ишончли манбалар асосида исботлаб беришга ҳаракат қилдим. Айтдимки, давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз ғайрат-шижоати, юксак ақлзаковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолғусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз.

Суриштириб кўрилса, Парижда ва умуман, Европада ҳам соҳибқирон бобомизнинг обрўсини тўкишга уринишлар бўлган. Буюк саркардалигини тан олган ҳолда, уни, айтишга тил ҳам бормайди, ёвузликда айблашган. Бунга ҳеч қандай мантиқий асос йўқлигини исботлаб бериш қийин эмас. Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналарни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Қонхўр одам «Куч — адолатда» дейиши мумкинми?!

Ўзбекистоннинг обрўйини кўтариш бир четда қолиб, аллақандай атиллаларга ворис бўлиш бизга мутлақо ярашмайди. Мен бунга қатъиян қаршиман. Кимгадир ворис бўлиш керак бўлса, биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворис бўламиз. Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам, дарахт кўкартиради. **Ўзбек том маънода бунёдкордир. Унга бировнинг ери керак эмас. Мабодо қўлига қурол олгудай бўлса, фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина олади.**

➢ *Маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир*

➢ *Инсон учун тарихидан жудо бўлиш — ҳаётдан жудо бўлиш демакдир*

➢ *Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон*

➢ *Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади*

➢ *Ўзбек том маънода бунёдкордир*

➢ *Биз халқни маданияти, маънавияти орқали биламиз*

«Тафаккур» журналига берган интервьюмда Амир Темур бобомизнинг «Куч — адолатда» деган фикрини ривожлантириб, «Куч — билим ва тафаккурда», деган ғояни ўртага қўйдим. Тафаккур, маърифат, маънавият қаердаю, Атилла қаерда?

Чуқурроқ ўйлаб кўрайлик: Атиллани рўкач қилиб, бизга, сиз ўзбеклар ҳам кўчманчи халқсиз, демоқчи эмасмилар?

Мен кеча атай яна харитага кўз ташладим. Ҳунлар Европага Шимолдан, Дашти Қипчоқдан ўтиб кетишган экан. На улуғ Бухоро, на улуғ Самарқанд, на улуғ Хоразмга уларнинг қадами етмаган.

Шу боис ўзбек зоти қанақасига ҳун бўлиши мумкин?

Тўғри, Мовароуннаҳр сарҳадларига узоқ тарихимиз давомида не-не босқинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, балки, асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолалар ҳукмронлик қилмаган, дейсиз. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми? Эрондан Ахмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Қутайба, Мўғулистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин халқ қолдику. Хўш, бунда қандай сир-синоат бор? Халқ қандай ички куч-қудратга таяниб ўзлигини сақлаб қолди? Қадим-қадим замонлардан ўтроқ яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюк маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини муқаддас билгани учун эмасми?

Ўзбек номи қачон пайдо бўлган? Совет тарихшунослари ёзишича, гўё XVI асрда бизнинг заминимизни Дашти Қипчоқ хонлари ишғол қилгандан кейин ўзбек номи пайдо бўлган эмиш. Ахир, биз Мовароуннаҳр деб атайдиган икки дарё оралиғида унгача ҳам халқ яшаганку! Ёки бу халқ бошқа миллат бўлганми? Мантиқ қани бу ерда?

Биз Совет замонидан қолган бу ақидани қабул қилсак, миллатимиз тарихи мана шу навбатдаги босқинчилар давридан бошланган, деган нотўғри хулоса келиб чиқмайдими? Унда бизнинг неча минг йиллик тарихимиз қаерда қолади? Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам, Хива ҳам ўзбекларники экан, бу ерларда ўзбек давлати бўлган экан, нега энди ўз тарихимизни XVI асрдан, кимдир келиб-кетиб, номини қолдириб кетган даврдан бошлашимиз керак? Унгача ҳам бу ерда ўтроқ халқ яшаган-ку! Бу ерда ана шу ўтроқ халқнинг маданияти бўлганку! Кими келмасин, масалан, мўғуллар келган, XIII асрнинг 20-йилларидан XIV асрнинг 70-йилларига қадар ҳукмронлик қилганлар ва уларнинг маданияти маҳаллий маданиятга сингиб кетган. Бунда маҳаллий халқнинг маданияти, албатта, асос бўлган, устунлик қилган.

Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз.

Яна бир бор қайтараман: мен тарихчи эмасман. Аммо, умуман, дунё халқлари ва хусусан юртимиз тарихий тараққиёт йўлининг асосий қонуниятларини мантиқий таҳлил қилсак, шу нарса аён бўладики, Александр ҳам (уни Шарқда кўпроқ Искандар Зулқарнайн деган ном билан билишади), Қутайба ҳам, Чингизхон ҳам, генерал Черняев ҳам, умуман, ким бўлмасин, юртимизга бир неча ўн минг ё бир неча юз минг лашкари билан келган, ишғол қилган ва бу ердаги сиёсий ҳокимиятни қўлга олган. Яна такрорлайман: Сиёсий ҳокимиятни. Тамом. Тўғри, ҳукмронликлари мобайнида улар мамлакатимизнинг иқтисодий, савдо, илмий, маданий имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга зўр берганлар. Бироқ, шу ерда асрлар давомида яшаб келаётган маҳаллий аҳолини, унинг кўп минг йиллик маданиятини йўқ қилолмаганлар, қилолмасдилар ҳам.

Фикримни ҳаммага яқин ва тушунарли бир мисол орқали изоҳлаб беришим мумкин. Чор Россияси юртимизни босиб олиб то биз давлат мустақиллигимизни қайта тиклагунимизга қадар ўрта ҳисобда 130 йил вақт ўтди. Шу давр ичида халқимиз бошига не-не қулфатлар, балою офатлар ёғилмади. Хоҳ сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни олайлик, хоҳ маънавий, маданий соҳани. Кези келганда, сўнгги мустамлака даври тарихини тадқиқ қилаётган олимларимизга бир маслаҳат бермоқчиман, аниқроғи, уларнинг эътиборини бир нарсага қаратмоқчиман. Бу даврнинг илгариги замонлардан фарқи шуки, шу вақтда, айниқса, шўролар ҳукмронлиги йиллари ва ҳозирги ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилди. Етмиш йилдан ортиқ даврда бошимиздан қандай маънавий, маданий тазйиқ, хўрликлар кечганини ҳам яхши биламиз. Мен бу ерда тил, адабиёт, тарих, дин, халқимиз генофонди, демография билан боғлиқ аянчли кечмишларни назарда тутаяпман. Лекин гап ҳозир уларнинг шарҳида, сабаблари, оқибатларида эмас.

Мен айтмоқчи бўлган фикр шундан иборатки, ана шундай ҳар томонлама мудҳиш, четдан қараганда халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда барибир, қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қололдими ё йўқми? Олимларимиз шу саволга жавоб берсинлар.

Шу мавзуга тегишли яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Собиқ марказда, Кремлда ўтирганларнинг миллий республикалар маҳаллий аҳолисини «совет халқи»га, яъни ягона халққа айлантириш билан боғлиқ сиёсатидан ўзбек халқи нималарнинг ҳисобидан, қайси тарихий, табиий қонуниятлар туфайли омон чиқди? Бу ҳақда олимлар ўйлаб кўрганмилар, ўз илмий изланишларида шундай саволларни қўйганлар қўйганмилар? Афсуски, йўқ.

Хўш, масалан, бу саволга мен қандай жавоб берган бўлардим?

Бизнинг аждодларимиз, халқимиз қадим-қадимдан ўтроқ яшаган, миллатимизнинг илиги ўтроқ маданият шароитида қотган. Халқимиздаги «илиги тўқ, бақувват» деган тушунча, мен ҳатто, қонуният деган бўлардим, бежиз пайдо бўлмаган. **Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват демоқчиман.** Яна тилимизда «таглитугли», «палаги тоза» деган ибораларнинг ҳам бор. Бу бир жойда муқим яшаган, ўз турмуш тарзига, ахлоқодоб мезонларига, ақидалари ва тафаккур тарзига эга бўлган хонадонларга нисбатан айтилади. Бутун оммани, бир неча юз минглаб, миллионлаб аҳолини бирлаштирган ақидаларга, мезон ва қоидаларга эга бўлган халқни қандай изоҳлаш, таърифлаш мумкин?! Ана шу ҳаётий ва ижтимоий мантиқдан келиб чиқсак, таъриф ва изоҳ битта бўлади — миллий борлиғимиз, маданиятимиз илдизи, томири ўтроқ бўлган.

Масалага бошқа томондан ёндашиб кўрайлик. Бугунги бой маданиятимиз қайси цивилизациянинг маҳсули? Шундай маданият бор экан, уни шу заминда яшаган халқ яратганми ёки у бўм-бўш жойда пайдо бўлганми?

Демоқчиманки, тарихимиз каби, қадим маданиятимизнинг яратилишида ҳам унга қўплаб этник гуруҳлар, эл-элатлар ўз улушини қўшган. Бу — табиий ҳол. Чунки, ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат битта миллатга мансуб маданият бўлмайди. **Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди.**

Шунинг учун тарихчи олимларимиз, ҳар бири турли тушунча, муайян қарашга эга бўлишидан қатъи назар, бир жойга тўпланиб, баҳс юритиб, бир хулосага келишлари керак. Саклар, массагетлар, сўғдлар, бактрияликлар деган турли ибораларнинг орқасидан қувиб юриш ўрнига, тарихчиларимиз миллатга унинг ҳаққоний тарихини кўрсатиб, исботлаб беришлари керак. Зотан, **тарих — халқ маънавиятининг асосидир.**

Баъзи тарихчилар бизни Чингизхоннинг авлоди, ҳатто, Амир Темурда ҳам Чингиз қони бор, у мўғул қавмидан, демоқчи бўлади. Ўйлаб кўрайлик, Амир Темур бобомиз қайси миллатга мансуб?

Яна совет даври китобларида Амир Темур аскарлари Москва атрофларига етиб боргани хусусида «мўғул-татар қўшинлари Москвани қамал қилдилар», деб ёзишган. Ҳолбуки, Соҳибқироннинг аскарлари Тўхтамишхонни тор-мор қилиб, Русияни мўғул истилосидан озод этгандан кейингина Москва атрофида пайдо бўлган. Афсуски, бу ҳақиқат Россия матбуотида 1995 йилдагина ёзилди. Бизнинг тарихчиларимизнинг заифлиги шу даражадаки, шу пайтгача биронтаси чиқиб, йўқ, тарихий ҳақиқат бундай, деб айтмаган. Йўқса, Амир Темурнинг қаёқдаю, мўғуллар қаёқда! Қани бу ерда фидойилик, ватанпарварлик? Қани миллий ғурур, миллий ифтихор?!

Демоқчиманки, ҳар бир халқ ўз тарихини ҳар хил таъсир ва тажовузлардан асраши керак. Бепарво бўлсангиз, турли сохта ҳомийлар, кучлар борки, улар тарихни бузиб кўрсатадиган китобларни чиқараверади. Ҳатто, чет элда ҳам чиқариши мумкин.

Дунёда дўст бор экан, ғанимлар ҳам бўлади. Биргина мисол. Бир 1996 йили Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйини ўтказдик. Шуни ҳам турлича талқин қилувчилар бўлди.

Авваламбор, биз бирор аждодимизнинг тўйини ўтказсак, бунга унинг миллатимиз равнақи учун қилган ишлари, тарихимизда тутган ўрни сабаб бўлади. Шу нуқтаи назардан ёндошсак, Амир Темур ким эди? У, биринчи навбатда улуғ бунёдкор шахс эди. Самарқанддаги обидаларни, Шаҳрисабздаги ёдгорликларни ким қурди? Туркистондаги Яссавий мақбарасини ким тиклади? Амир Темур ва унинг авлодлари замонида Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ҳудудларида амалга оширилган ободончилик, меъморчилик ишларини айтмайсизми? Ким «Куч — адолатдадир» деган оламшумул, теран ҳикматни ўз фаолиятига асосий тамойил қилиб олди?

Шу маънода, ҳунлар, ҳоқонликлардан нима мерос қолди? Бу «мерос»ни топиш учун қаерларда қазилма ишлари ўтказишимиз керак? Ёки XIII асрда Самарқандни ёндириб ташлаган, Бухорони, Ургончни ер билан яксон қилган Чингизхон тўғрисида турли китоблар чиқяпти, фильмлар ишланяпти. Бу асарларнинг муаллифлари Чингизхоннинг қайси бир «фазилати»ни улуғлаяпти? Ўзи Чингизхондан бирон-бир яхши мерос қолганми?

Хоҳ ўтмишда, хоҳ бугун бўлсин, бошқа миллат, давлатни ўзига қарам қилиш ниятида ҳаракат қилган, қилаётган кучлар доимо бир сиёсатни юритганлар, юритадилар: яъни қарам халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш, ундан жудо этиш. Мисол керакми?

Шўро даврида ўзбек миллати тарихини бузиб кўрсатишдан, уни чалкаштириб ёритишдан, баъзи саҳифаларини, умуман, кўрсатмасликдан мақсад нима эди? Чор Россиясининг Скобелев деган генерали ўз императорига мурожаат қилиб, шундай деб ёзган эди: «Маҳаллий халқ биз ўйлагандан кўра маданиятли экан. Уларни бўйсундира олмаяпмиз... Бу халқнинг ўтмишда яратилган барча осори атиқаларини, масжиду мадрасаларини, диний китобларини ер билан яксон қилибгина, уларнинг маънавиятини сўндирибгина ўз қанотимиз остига олишимиз мумкин».

➢ *Биз ўзбеклигимиздан фахрланамиз, ғурурланамиз*

➢ *Ҳар бир халқ ўз тарихини ҳар хил таъсир ва тажовузлардан асраши керак*

➢ *Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас*

➢ *Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват*

➢ *Тарих — халқ маънавиятининг асосидир*

Хўш, шу гапларни тарихчиларимиз биладими? Бундай ёвуз қарашлар бўлганини халқимизга етказяптими? Афсуски, кўп олимларимиз онгида эски тузум асоратлари маҳкам ўрнашиб қолган. Улар ҳозир — мустақиллик шароитида ҳам кимдандир қўрқиб, чўчиб гапирадилар.

Юқорида айтилганлардан қандай хулоса чиқади? **Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур.** Агар олимларимизнинг илмий-тадқиқот ишлари замирида ана шу фикр, ана шу мақсад бўлмаса, уларнинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ. Тарих институти, Фанлар академияси ҳаққоний тарихни ёритиш мезонларини, унинг пойдеворини, асосини белгилаб бериши керак.

Бу масала бўйича фикрлар аниқ ва илғор бўлиши лозим. **Умуман, мен фанни илғор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиламан. Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим.** Лекин бу борада бизнинг фанимиз ўз сўзини нега айтмаяпти? Нега мазмунан, моҳиятан янгича мақолалар, асарлар чиқмаяпти?

Бу ерда фан ва сиёсатнинг ўзаро муносабати хусусида тўхталиш жоиз. Зеро, фан, масалан, тарих фани ўз йўлига, сиёсат ўз йўлига, уларнинг бир-бирига алоқаси йўқ, дегувчилар ҳам топилади. Ўйлаб кўрайлик, тарих фани маҳсули — унинг хулосаларидан аввало ким фойдаланади? Сиёсатчилар эмасми? Ўз сиёсатини оқлаш, уни олға суриш, тарғиб этиш, узвийлигини таъминлаш, обрўсини кўтариш учун улар тарих фани хулосаларига мурожаат этади.

Шундай экан, савол туғилади: ушбу хулосалар кимлар томонидан, қайси мақсадлар йўлида ишлатилади — тажовузкор миллатчиларми ё инсонпарварлар, маърифатпарварларми? Шу маънода, тарихчилар миллатчилар учун хулоса чиқармоқчи бўлсалар, бу — бир маҳсулот, инсонпарвар, маърифатпарварлар учун бўлса, бу — бошқа маҳсулот. Халқимизнинг миллий туйғусини, миллий ғурурини уйғотадиган тарихий-илмий хулосалар қани? Нима учун бу масалада олимларимиз ўртасида беҳуда тортишувлар бўлмоқда? Фан давлатга, халққа, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозимлигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ.

Биз фан ривожи учун, унинг таъминоти учун ҳеч нарсани аямаймиз. Абу Райҳон Беруний бобомизнинг бундан ўн аср бурун айтган фикрини эслатиб ўтмоқчиман: «Илм-фан кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш заруратидан пайдо бўлади».

Илғор илмий-тадқиқот ишлари бўлса, Академиянинг иш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар, ғоялар, хуллас, эҳтиёж бўлса, маблағ ҳам топамиз, барча шароитни яратиб берамиз. Фақат бу ерда бир мезон бор — бу ишдан аниқ натижа, самара чиқиши керак!

Тарих фани, унинг бугунги аҳволи, истиқболи ҳақида гапирар эканмиз, мен яна бир масалага эътибор қаратишни истардим. Агар биз тарихчиларни тарозига солсак, бугунги кун нуқтаи назаридан баҳоласак, талабга жавоб берадиганлари жуда камчиликни ташкил этади. Шунинг учун тарихчи мутахассислар тайёрлашни университетлардан, яъни бошланғич нуқтасидан яхшилаш лозим, деб ўйлайман. Керак бўлса, тарихга ихтисослашган мактабларни очиш лозим. Бунинг учун эса аввало мукаммал дарсликлар яратиш, домлаларнинг ўзини қайтадан ўқитиш керак. Муҳими, ёшларнинг орасига кириш, уларнинг ичидан қобилиятли, фидойиларини топиш, уларнинг юрагини ёндириш керак. Бизда 30-35 ёшли академиклар борми? 16 ёшга кирган ўспирин — Рустам Қосимжонов шахмат бўйича қандай натижаларга эришди, жаҳон миқёсида ғолиб бўлди! Шахмат ҳам фан, бу математика дегани эмасми?

Демоқчиманки, биз ана шундай ёшларимизга ишонамиз, суянамиз, келажак умидларимизни улар билан боғлаймиз. Уларга қанча тез йўл очиб берсак, илмда, ижодда шунча кўп изланиш, баҳс бўлади. Изланиш, баҳс, мунозара бор жойда эса ҳақиқат юзага чиқади, тараққиёт бўлади.

Иккинчидан, бизда довюрак, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмайди. Мен академик Яҳё Ғуломовни яхши билардим. У мустақил фикрга эга бўлган, керак бўлса, энг юқори лавозим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни дадил айта оладиган олим эди. Тарихчилар яхши биладилар, одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар ястанган бўлади. Шўро даврида фақат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайтда ана шундай тарихий тепаликларни ҳам текислаб пахта даласига айлантириш сиёсати авж олганда бунга қарши чиққан олим Яҳё Ғуломов бўлганини мен яхши эслайман. Бу фазилати туфайли тазйиқ кўрганини ҳам эшитганман. Лекин адолатни ҳамма нарсадан устун билган, ватанпарвар одам шундай бўлади. Ана шундай одамлар ҳаёти бизга ибрат мактаби бўлмоғи лозим.

➢ *Биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворисмиз*

➢ *Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, воситадир*

Энди икки оғиз сўз оммавий ахборот воситалари орқали тарих мавзусини ёритиш ҳақида. Бизнинг матбуотимиз, телевидениемиз ҳам тарихга оид мақолалар чоп этганда, кўрсатувлар тайёрлаганда бир кишининг фикрини ягона ҳақиқат сифатида қабул қилинишига йўл қўймаслиги даркор. Муайян масалада турли фикрларни бериш, баҳс орқали ҳақиқат ойдинлашувига эришиш лозим. Тарихий воқеаларни, шахслар фаолиятини изоҳлаш йўли билан одамларни асл ҳақиқатдан огоҳ этишимиз керак. Чунки, биз шакллантираётган жамиятимиз мафкураси ҳам тарих булоқларидан озиқланади.

Яна бир муҳим масала шуки, мен «Тафаккур» журналидаги суҳбатда таъкидлаганимдек, сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам вакуум — бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Яъни, агар ўз ғоянг бўлмаса, сенинг юртингда чет ғоя келиб ҳукмронлик қилади. Шу маънода мустақил фикрлайди

Қарзингизни тўлаб қўйсангиз...

(Давоми. Боши 1-бетда)

— корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб рақамларига бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳамда сотилган тайёр маҳсулотлар учун буюртмачилардан ўз вақтида олдиндан пул маблағларининг келиб тушмаслиги;

— солиқ органлари томонидан ўтказилган режали текширишлар натижасида аниқланган солиққа тортиш базасининг (даромаднинг) камайтирилиши натижасида шу суммага «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддасига асосан молиявий жарима қўлланиши натижасида;

— олдин пайдо бўлган боқиманда суммаларининг ўз вақтида тўланмаганлиги сабабли боқиманда қарзлари суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун шахсий варақасида пеня (устама жарима)ларнинг кундан-кун ошиб бориши ва ҳоказолар.

Вилоят бўйича 1998 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, туман ва шаҳар ДСИлари орқали Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3-бандига мувофиқ бюджетдан жами 650,5 миллион сўмлик қарзи мавжуд 399 та корхона ва ташкилотларга ёзма огоҳлантириш талабномалари жўнатилди. Улардан 180 таси ёзма талабномаларни олганларидан сўнг 185,7 миллион сўмлик қарзларини тўлиқ, 45 таси эса мавжуд қарзларининг 39,0 миллион сўмини белгиланган 1 ойлик муддат ичида қисман тўлаб бердилар.

Қарздор корхоналар ёзма талабномаларни олганларидан сўнг тегишли ҳаракатларни амалга оширмаганликлари учун Низомнинг 4-бандига мувофиқ 345,1 миллион сўмдан иборат 140 та даъво аризалари расмийлаштирилиб, Хўжалик судига берилди ва даъволар суд томонидан тўлиқ қониқтирилди.

Ҳал қилув қарори олингандан сўнг қарздор корхоналарнинг 163,5 миллион сўмлик мол-мулклари хатланиб сотиш учун олиб қўйилди, 24 та корхона 128,9 миллион сўмлик қарзини ҳал қилув қарори чиққандан сўнг 3-4 кун ичида тўлаганлиги сабабли мол-мулки хатланмади. Мол-мулки хатланиб олиб қўйилгандан сўнг 72 та корхона ўз ҳаракатлари билан 203,2 миллион сўмлик маблағ топиб бюджетга ўтказиб берганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатларини тақдим этганлиги сабабли Низомнинг 11-бандига мувофиқ мол-мулклар эгаларига қайтариб берилди. Бундан ташқари вилоят бўйича ташкил этилган 5 та дўкон орқали қарздор корхоналарнинг 12,3 миллион сўмлик мол-мулклари аҳолига нақд пулга ва шу маҳсулотларга талабгор корхоналарга пул ўтказиб бериш орқали сотилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 5 февралдаги Фармонининг 2-бандига мувофиқ қарздор корхоналардан 4,9 миллион сўмлик давлат божи ундирилди.

Юқорида қайд этилган ишлар туман ва шаҳар давлат солиқ инспекциялари томонидан 1997 йил бошида белгиланган чора-тадбирлар асосида амалга оширилган бўлса-да, бугунги кунда бюджетдан боқиманда қарзлар мавжуд корхона ва ташкилотлар сони ҳамда уларнинг қарзлари кундан-кунга камайиш ўрнига кўпайиб кетмоқда ва шу йилнинг 10 август ҳолатига 407,1 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Биз бу нохуш ҳолнинг олдини олиш учун ҳаракат қилаяпмиз. Жумладан, шу йилнинг биринчи ярмида бюджет олдидаги қарзларини қоплаш учун вилоят хўжалик судининг қарорларига мувофиқ Янгиер шаҳар ҳудудида жойлашган «Сирдарёулгуржисавдо» ҳиссадорлик жамиятининг 5,0 миллион сўмлик, «Мирзачўлқурилиш» бошқармасига қарашли 3-автомобиль транспорт корхонасининг 4,8 миллион сўмлик, Сирдарё тумани ҳудудида жойлашган Сирдарё вино ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг 25,5 миллион сўмлик ва рефижиратор вагонлари депоси корхонасининг 30,4 миллион сўмлик мол-мулклари хатланиб олиб қўйилди ва бугунги кунда махсус ташкил этилган дўконларда сотилмоқда.

Булардан ташқари Гулистон шаҳридаги «Лола» жамияти ва тажриба-ремонт-механика заводининг 10,0 миллион сўмлик, Ширин шаҳридаги «67-кўприксозлик отряди» корхонасининг 9,0 миллион сўмдан кўпроқ мол-мулклари хатланиб олиб қўйилди ва бугунги кунда савдога қўйилган.

Айни пайтда бошқармамиз ва унинг қуйи тизим идоралари Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини бажариш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олганлар. Жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгиланган муддатларда тўланишини таъмин этмасалар Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрдаги «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида ундирилишини таъминлашга киришамиз. Солиқ тўловларини қисқартириш бўйича омборларда сақланаётган мол-мулклар ва боқиманда қарзлар суммаларини эътиборга олган ҳолда зудлик билан ҳар ойлик топшириқларни қарздор корхона раҳбарлари иштирокида белгилаб, белгиланган режа кўрсаткичлари бажарилмаса айбдорларни мавжуд тегишли қонунлар асосида маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўраяпмиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 431-сонли қарори талаблари асосида тузилган ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилиши лозим бўлган иш режаси қайтадан кўриб чиқилиб, ҳар бир ишчи гуруҳи аъзосига алоҳида-алоҳида вазифалар белгиланди.

Хўжалик суди ва назорат органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг бажарилишини шахсан жойлардаги солиқ инспекцияларининг раҳбарлари ўз назоратига олишган. Туман ва шаҳар давлат солиқ инспекциялари юристлари ҳукуматимизнинг 387 ва 431-сонли қарорлари талабларининг бажарилишида бевосита иштирок этиб, амалга оширилаётган ҳаракатларнинг қонуний-лигини таъминлашга ҳаракат қиляптилар.

Олдимизда турган вазифаларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши энг биринчи навбатда ходимларга боғлиқдир. Шу боисдан бошқарма, туман ва шаҳар давлат солиқ инспекцияларининг «Муддатида тўланмаган солиқларни мажбурий ундириб олиш» бўлимларига билимдон, фидойи, солиқ соҳасида тажрибага эга ташкилотчи мутахассислар танлов йўли билан ишга олиниб, уларга шарт-шароит яратиб берилаяпти. Биз бу йўналишдаги ишларни келгусида янада жонлантириб, муддатида тўланмаган қарзларни иложи борича қисқартириш, бюджетга тўловларда интизом ўрнатиш, белгиланган қонун-қоидаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун мунтазам иш олиб бораверамиз.

Одилжон БЕГМАТОВ,
Сирдарё вилоят давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи, солиқ хизматининг 1-даражали маслаҳатчиси.

Ташкилот

Мустақиллик байрамига очиқ хат — открткаларни (уч хил кўринишда, ёзув варақаси ва хат жилди бор) таклиф этади. Ҳақ тўлаш — пул ўтказиш йўли билан.

Мурожаат учун телефонлар: 144-11-60, 144-59-60

Кулги бизнинг дўстимиз

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Диққат!

Тошкент шаҳар кўчмас мулк биржаси 1998 йил 8,22 сентябрь кунлари соат 11⁰⁰да кимошди ва биржа савдоларини ўтказади. Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Собир Раҳимов туманининг Қамарнисо кўчасида жойлашган «Табиат ноз-неъматлари» шўъба корхонасининг 21-сон дўкони, умумий майдони 728.46 кв.м., бошланғич нархи — 9786159 сўм.

2. Бектемир туманининг Соловьев кўчасида жойлашган «Махсусмонтажсувқурилиш» трестининг омборхонаси, умумий майдони 1728 кв.м, бошланғич нархи — 7598937 сўм.

3. Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари, жумладан, Сирғали, Мирзо Улуғбек, Акмал Икромов туманида. Бошланғич нархи — 224449 сўмдан (ҳар бир ер участканинг майдони 0,04 га.дан).

4. Сирғали туманида жойлашган «Пуско-наладка-330» акционерлик жамиятининг маъмурий биноси, умумий майдони 288 кв. м. Бошланғич нархи — 1011567 сўм.

5. Сирғали туманида жойлашган қурилиши туғалланмаган «Жамоа савдо маркази» биноси. Бошланғич нархи — 12212000 сўм.

6. Сирғали туманида жойлашган «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорациясига қарашли «ПМК-165» корхонасининг майдони 446,32 кв. м. бўлган маъмурий биноси. Бошланғич нархи — 1600000 сўм.

7. Халқ банки Акмал Икромов тумани бўлимининг «Ўрикзор» даҳасида жойлашган умумий майдони 223,5 кв.м бўлган қурилиши туғалланмаган биноси, бошланғич нархи — 14498,7 минг сўм.

8. Акмал Икромов туманида жойлашган қарздор «Улгуржи-чакана мева-сабзавот» корхонасига тегишли мулклар. Бошланғич нархи — 2112602 сўм.

9. Собир Раҳимов туманида жойлашган «Чуқурсой автокорхонаси» акционерлик жамиятининг 7 та ГАЗ-24 русумли автомобили, бошланғич нархи — 84174 сўмдан 101528 сўмгача.

10. Акмал Икромов туманида жойлашган «2-автокомбинат» акционерлик жамиятининг 22 та ГАЗ-2411 русумли автомобиллари, бошланғич нархи — 89155 сўмдан 253827 сўмгача.

11. Бектемир туманида жойлашган «МСПМК — 366» акционерлик жамиятининг КамАЗ-5320 русумли автомобили, бошланғич нархи — 696995 сўм.

12. Бектемир туманида жойлашган «ПМК-1» корхонасининг — Москвич 2141 русумли автомобили, бошланғич нархи — 115864 сўм.

13. Бектемир туманида жойлашган «СПМК-2» корхонасининг ГАЗ-5312 русумли автомобили, бошланғич нархи — 581556 сўм.

14. Миробод туманида жойлашган «Махсус тажриба автокорхона» ҳиссадорлик жамиятининг:

— 4 та ГАЗ-24 русумли автомобили, бошланғич нархи 85293 сўмдан 96367 сўмгача,

— РАФ — 2203 русумли автомобили, бошланғич нархи 165138 сўм.

15. Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Амир Темур Ю. Б.» ҳиссадорлик жамиятининг 8 та ГАЗ-24 русумли автомобили, бошланғич нархи — 83361 сўмдан 101970 сўмгача.

16. Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Пахтакор» футбол клубининг ГАЗ-24 русумли автомобили, бошланғич нархи —61288 сўм.

17. Бектемир туманида жойлашган «Тошйўлқурилиш» трестига қарашли йўл ва кўприк қуриш бошқармасининг:

— ГАЗ-51 русумли автомобили, бошланғич нархи — 63575 сўм.

— ГАЗ-52 русумли автомобили, бошланғич нархи — 101720 сўм.

18. Юнусобод туманида жойлашган «Транстуркистон» тарнспорт-экспедиторлик ҳиссадорлик жамиятининг ГАЗ-31029 русумли автомобили, бошланғич нархи — 489636 сўм.

Шу билан биржада давлат хазинасига қарздор бўлган корхоналарнинг ҳар хил турдаги асбоб-ускуналари ҳам савдоларга қўйилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратиладиган ер майдонларига аризаларни қабул қилиш кимошди савдосидан уч кун олдин тўхтатилади.

Кимошди ва биржа савдоларида юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин. Биржа савдолари ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари ўтказилади. Тўловлар турли шаклларда амалга оширилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13, 1-қават, 1-хона

Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73

ШОШИЛИНГ, БУ СИЗНИНГ ИМКОНИЯТИНГИЗ!

Ҳафталик кўрсатувлар



ДУШАНБА 24

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
9.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр. 5-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.00 Жаҳон спорти.
10.15 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
10.50 Мустақиллик одимлари.
10.55 Кино янгиликлари.
11.10 Жаҳон киноси юлдузлари.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.05 Кундузги сеанс. «Бурилиш». Бадиий фильм.
13.40 «Фермер». Телетанлов.
14.10—15.10 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 1-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Яшил орол сири». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.40 «Олам ва одам».
19.00 Мустақиллик одимлари.
19.05 «Сизга айтар наволарим бор». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05, 23.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Истиқлолим, сени қуйлайман». Мусиқий дастур.
22.10 «Сиёсат оламида».
22.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: Алп Жамол. «Гизгизон». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-қисм.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 24.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18,15 «Ёрилтош». Мультҳуплам.
18.40 «Жаҳон урушларининг махфий архивларидан». Телесериал.
19.05 «Мафтункор диёр».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин меросс».
21.20 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
22.10 «Бурч ва масъулият».
22.20 «Даракчи»(рус тилида).
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Кинонигоҳ. «Раввин Якоб саргузаштлари».
00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

* * *
17.05 Янгиликлар.
17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20 — 20.40
*
20.40 Эълонлар.
20.45 «Ғазалликнинг қошида ахир...»
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Дастин Хофман. «Синов муддати» фильмида.
23.15 — 23.35 «Ахборот»(рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 21.35 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига «Шукрона».
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Тошкент фавворалари». Кинолавҳа.
20.25 «Ўзбекистон — умумий уйимиз» рукнида «Чинор» видеоканали.
«Айчурек»
«Умид».
21.15 «Намастэ».
21.40 Кинематограф «Зина, Зинуля».
23.05 «Ғазаллик ва мангулик ҳақида».
23.25 Спорт-тайм.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА 25

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Созимдасан, муҳаббат». Мусиқий дастур.
9.05 Мустақиллик одимлари.
9.10 Алп Жамол. «Гизгизон». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони урганамиз.
10.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Учқора». Премьера.
10.45 Болалар учун. «Дўстлик фестивали».
11.20 «Ҳозирги ёшлар».
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 31-серия.
12.05 «Сиҳат-саломатлик» почтаси.
12.25 Ўзбек қўйларидан концерт.
13.00 Н. Камол «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 2-қисм.
14.10—15.40 Футбол. Ўзбекистон кубоги.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Табиат алифбоси».
18.25 «Мулк ва муносабат».
18.40 «Ўйлатиб қўйдинг яна» У. Ҳамдамов қуйлайди.
18.55 «Тарих ва тақдир».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Мустақиллик бекати.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс-садо».
22.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Самарқанд вилояти.
22.35 Теннис. Ўзбекистон Президенти кубоги олдидан.
22.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: Алп Жамол «Гизгизон». Телевизион бадиий фильм премьераси 2-қисм.
23.45 «Ахборот».
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мультҳуплам.
18.25 «Ёввойи хайвонот олами».
19.05 Кундалик.
19.15 Шарқ эстрадаси.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Тошкентнома».
20.15 «Очун».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 «Спорт қитъаси».
22.30 Кинонигоҳ. «Дельта операцияси».
00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.05 Янгиликлар.
17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.20 — 20.40
*
20.40 Эълонлар.
20.45 «Телешифокор».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Шарқ киноси. «Динозавр ҳақида афсона». Бадиий фильм. (Япония).
23.10 — 23.30 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 Телефакт.
19.15 Мусиқий танаффус.
19.30 «ТВ-4 да» немис тилкини».
19.45, 21.15 — Эълонлар.
19.50 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.50 Мусиқий танаффус.
20.55 Хит-коллекция.
21.20 «Жаҳон киноси».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА 26

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Рақслар гулдастаси». Концерт.
8.45 «Бугуннинг ўйлари».
9.00 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
9.15 Алп Жамол. «Гизгизон». Телевизион бадиий фильм 2-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 «Алифбо сабоқлари».
11.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Йилнинг тўрт фасли».
11.10 Болалар учун. «Биз мактабга борамиз».
11.30 «Акс-садо».
12.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
12.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 32-серия.
13.00 Н. Камол «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль 3-қисм.
14.10 — 14.30 «Жараён».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Бомбибом» эртаклари.
18.40 «Ўтмишдан садолар».
18.55 «Ранглар жилоси».
19.10 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига «Озодлик». Видеофильм 1-қисм.
21.50 «Қушиққа қучган сатрлар». Азим Суюн.
22.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: Алп Жамол «Гизгизон». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-қисм.
23.25 «Ёшлар» телеканали:
«Қулги терапияси».
«Ёшлар ва эстрада»
00.15 «Ахборот».
00.40 — 00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мультҳуплам.
18.35 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.15 «Қулгига нима етсин».
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига «Ҳудуд».
21.30 «Том Жонс». Бадиий фильм. 1-қисм.
22.30 «Даракчи».
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ.
00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.45 Янгиликлар.
16.50 Болалар учун «Эртакнамо чоршанба». Кинокурсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.30 — 20.40
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон саргузаштлари». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.
23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 22.15 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Шукрона».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.30 «Шифокор қабулида».
20.40 «Азизим».
21.05 «Автосалтанат».
21.15 «Нафосат гулшани».
21.45 «Дурдаршан».
22.20 Олтин хазина М.Шайхзода. «Мирзо Улуғбек». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектакли. 2-қисм.
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА 27

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Лирик тароналар.
9.00 «Бокира туйғулар».
9.15 Алп Жамол «Гизгизон». Телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 «Меҳр қолур».
10.45 Мустақиллик одимлари.
10.50 «Спортчилар сулоласи».
11.05 «Мусиқий саёҳат».
11.25 «Озод юрт одамлари».
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 33-серия.
12.05 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.30 «Кетмас давлат берсин».
12.55 Н. Камол «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 4-қисм.
14.10 — 14.30 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.30 «Мулоқот». Адабий кўрсатув.
18.50 «Меҳнат ва қонун».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25. 20.25, 20.55, 22.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессияси олдидан. «Парламент соати».
21.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига: «Озодлик» Видеофильм. 2-қисм.
21.55 Самарқанд вилояти Пайариқ тумани бадиий ҳаваскорларининг концерти.
22.25 Саид Аҳмад. «Буқаламун билан учрашув».
22.55 «Сомон йўли».
23.55 «Ахборот».
00.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «МҲСК» — «Насаф».
01.05 — 01.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мультҳуплам.
18.40 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.00 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшик».
20.05 «Табоатат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Одобнома».
21.10 Мумтоз наволар.
21.30 «Сир».
21.45 «Даракчи»(рус тилида).
21.55 Оҳанглар ва эълонлар.
22.15 Оилавий экран. «Маҳаллада дув-дув гап».
23.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 Телефакт.
19.15 Мусиқий танаффус.
19.30 «ТВ-4 да» немис тилкини».
19.45, 21.15 — Эълонлар.
19.50 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.50 Мусиқий танаффус.
20.55 Хит-коллекция.
21.20 «Жаҳон киноси».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ЖУМА 28

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Оиламиз оҳанглари». Мусиқий дастур.
8.50 Мустақиллик одимлари.
8.55 «Ҳамкорлик ва тараққиёт».
9.15 «Созга солдим Алпомишни».
9.45 «Мозийдан бир муъжиза».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳаёти».
10.30 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
11.05 «Ҳақ сўз».
11.20 «Устоз». Телеочерк.
11.45 «Шумтақа». Мультфильм премьераси. 34-серия.
12.05 «Ислоҳот истиқболи».
12.25 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
12.50 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 5-қисм.
14.10—14.35 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қайғусиз қувонч бўлмас». Мультфильм.
18.20 «Юксалиш».
18.35 «Қалб гавҳари». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 Мустақиллик одимлари:
19.05 «Етти иқлим садоси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тиламиз».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессиясида.
22.30 Санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти.
23.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Озодлик». Видеофильм. 3-қисм.
23.40 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
00.05 «Истиқлол фидойилари».
00.25 Бадиий фильм.
01.40—01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Уйна, болажон, уйна».
18.30 «Бор экан-да, йўқ экан».
18.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Умид қалдиргочлари».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Яхши дам олинг».
20.10 «Туйғуларим».
20.15 «Ҳар лаҳзада қушиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Ёнмаган ёзувлар».
21.25 «Том Жонс». Бадиий фильм. 2-қисм.
22.25 «Даракчи».
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Бокс. Бокс. Бокс.
23.05 Кинонигоҳ. «Оилавий бизнес».
00.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.20—20.40
*
20.40 «Фильмлар в тақдирлар». Кинокўрсатув.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Оскар» совриндорлари: «Ҳаётимиздаги энг сара йиллар» (1945 йил). Бадиий фильм.
23.30—23.50 «Ахборот» (рус тилида)

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.25 «Бу бустон аро...»
19.50 «Саломат бўлинг».
20.10, 22.05 — Эълонлар.
20.15 «Морена Клара». Телесериал.
21.00 «Бегойим».
21.25 «Дурдаршан».
21.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Шукрона».
22.10 Кинематограф. «Шаҳарликлар».
23.30 Араб эстрадаси.
24.00—00.10 «Мунаввар тонг истаб...»

ШАНБА 29

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Янги тароналар». Миллий эстрада қўшиқ-куйлари танлови голибларининг концерти.
9.05 «Зиврак».
9.15 «Олтин тож». Телеўйин.
9.40 «Шоҳруҳ» клуби.
10.00 «Шумтақа». Мультфильм премьераси. 35-серия.
10.15 «Ёшлар» телеканали
«Шу Ватанга бордур менинг керагим».
«Муҳаббат дарси».
«Вақтинг кетди».
«Истеъдодлар унар бог».
«Ўзбекистон аскарлари».
«Гулдаста». Мусиқий дастур.
*
12.15 «Мактаблар янги ҳаётга йўлга шайми?».
13.15 «Нақадар тотли сўз — Озодлик» рукнида «Ғанди». Бадиий фильм. 1-серия.
14.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
15.15—15.30 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
* * *
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал. «Пахтакор» марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —«Фламинго». Кинокўрсатув.
18.55 «Фермер». Телетанлов.
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессиясида.
22.30 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
23.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Озодлик». Видеофильм. 4-қисм.
23.30 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури
23.55 «Нақадар тотли сўз — Озодлик» рукнида «Ҳуррият». Бадиий фильм. 5-серия.
00.45—00.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «Таянч».
19.15 «Киноконцерт».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «Буюк трио». Мусиқий дастур.
22.30 «Даракчи».
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ. «Мушук».
00.40 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.15—22.25
*
22.25 Эълонлар.
22.30 «Маъмун академияси».
22.45—23.20 «Козим Қаюмов қуйлайди». Ф

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини мустақиллигимизнинг муборак етти йиллик байрами билан табриклайди. Мана шу, кўҳна тарих олдида арзимас лаҳза бўлган етти йил ичида мамлакатимизда улкан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ислоҳотлар амалга оширилди. Мамлакатимиз нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, балки ривожланган хориж мамлакатларини ҳам ўз иқтисодий қудрати билан ҳайратга солди. Мамлакатимизнинг дунёни лол қолдирган улкан ютуқларида Халқ банки жамоасининг ҳам ҳиссаси борлиги билан фахрланамиз! Халқ банки жамоаси Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш йўлида бундан кейин ҳам юртбошимиз кўрсатган йўлдан оғишмай боравераді.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!







Сиз ўз жамғармаларингизни

- *талаб қилиб олгунча — йилига 5 фоиз даромад тўлаш шарти билан;*
- *муддатли омонатлар;*
  —1 йилдан 3 йилгача — йилига 15 фоиз даромад тўлаш шарти билан;
  — 3 йилдан 5 йилгача — йилига 17 фоиз даромад тўлаш шарти билан;
  —5 йилдан юқори — йилига 20 фоиз даромад тўлаш шарти билан;
- *мақсадли болалар омонати — йилига 20 фоиз даромад тўлаш шарти билан;*
- *кўрсатувчига бериладиган омонат — йилига 5 фоиз даромад тўлаш шарти билан;*
- *муддатли кўрсатувчига бериладиган омонат — йилига 15 фоиз даромад тўлаш шарти билан;*
- *ютуқли «Омад» омонати;*
- *«Жамғарма депозит» омонати;*
  — 5000 сўмгача 3 ойга 5,5 фоиз даромад тўлаш шарти билан;
  — 5001 сўмдан 10000 сўмгача 3 ойга 6 фоиз даромад тўлаш шарти билан;
  — 10000 сўмдан юқори 3 ойга 6,5 фоиз даромад тўлаш шарти билан;
- *«Оила» пул-буюм ютуқли омонатларига*

Қўйишингиз мумкин

Корхона, ташкилот ва барча ҳуқуқий-жисмоний шахслар эътиборига!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Амалиёт Бошқармаси 1998 йил 24 августдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга кенг кўламли, хилма-хил ва сифатли банк хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятини бошлашини маълум қилади.

Бизнинг банкимиз мижози бўлишни хоҳласангиз

Тошкент шаҳар, Қатортол кўчаси, 46 уй
Амалиёт Бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар:
173-69-19, 78-53-08

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ЎЗ ЖАМҒАРМАНГИЗНИ САҚЛАШ ВА УНИ КЎПАЙТИРИШДА ХАЛҚ БАНКИ СИЗНИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИНГИЗДИР!

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-44-55.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-89.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ, навбатчи Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 19.866 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г —0232

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА